



## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ ТАШКИЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ БИЛАН ЎЗARO АЛОҚАСИ

**Эльвира Николаевна Борисова,**

*и.ф.н., доцент, Россия кооперация университети, "Молия ва бухгалтерия ҳисоби"  
кафедраси мудири, Москва, Россия. Email: borisovna@gmail.com,  
ORCID: 0000 0002 3549 5184*

**Маширипов Озод Алимович,**

*и.ф.н., доцент, Аудит кафедраси, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон.  
Email: [masaripovozod854@gmail.com](mailto:masaripovozod854@gmail.com)  
ORCID: 0000 0003 4912 3290*

**Хамидова Зарифа Урол қизи,**

*PhD., Катта ўқитувчи, Аудит кафедраси, Тошкент молия институти, Тошкент,  
Ўзбекистон. Email: [zari\\_khamidova@mail.ru](mailto:zari_khamidova@mail.ru)  
ORCID: 0000 0002 9785 4170*

**Гафурова Азиза Фотиховна,**

*Ўқитувчи, Аудит кафедраси, Тошкент молия институти, Тошкент, Ўзбекистон. Email:  
[g\\_aziza@mail.ru](mailto:g_aziza@mail.ru), ORCID: 0000 0001 8852 5028*

## ORGANIZATIONAL ASPECTS OF THE INTERNAL CONTROL SYSTEM IN BUDGET ORGANIZATIONS AND INTERACTION WITH THE INTERNAL AUDIT SERVICE

**Elvira Nikolaevna Borisova,**

*i.f.n., associate professor, Russian Cooperation University, Head of the Department of Finance  
and Accounting, Moscow, Russia. Email: borisovna@gmail.com, ORCID: 0000 0002 3549 5184*

**Masharipov Ozod Alimovich,**

*Ph.D., Associate Professor, Audit Department, Tashkent Financial Institute, Tashkent,  
Uzbekistan. Email: [masaripovozod854@gmail.com](mailto:masaripovozod854@gmail.com)  
ORCID: 0000 0003 4912 3290*

**Khamidova Zarifa Urol qizi,**

*PhD., Senior Lecturer, Department of Auditing, Tashkent Financial Institute, Tashkent,  
Uzbekistan. Email: [zari\\_khamidova@mail.ru](mailto:zari_khamidova@mail.ru)  
ORCID: 0000 0002 9785 4170*

**Gafurova Aziza Fotikhovna,**

*Teacher, Audit Department, Tashkent Financial Institute, Tashkent, Uzbekistan. Email:  
[g\\_aziza@mail.ru](mailto:g_aziza@mail.ru), ORCID: 0000 0001 8852 5028*

**JEL Classification:** M1, M4, M42

**Аннотация:** Мақолада бюджет ташилотида ички назоратни самарали ташилот этиши йўллари, ички аудитни ташилот этишининг алоҳида жиҳатлари, ички аудит тушунчаси борасидаги турли қарашлар, ташилотда ички назорат ва ички аудитнинг ўзаро алоқаси, ички назорат тизимининг элементлари, ички

аудитда рискларни аҳамияти ва баҳолаш, COSO модели ва унинг элементлари, ички назорат тизимини самарали ташилот этиши ташилот раҳбарининг асосий вазифалари, ички аудит хизмати фаолиятининг қамраб оладиган жиҳатлари, ички назорат ва ички аудитнинг алоҳида ҳамда умумий томонлари, бюджет маблағларидан

унумли фойдаланиши ҳамда бюджет ташилотларидаги ички аудит хизматини бугунги ҳолати бўйича ёндошувлар кўриб чиқилган.

Шу билан бир қаторда, бюджет ташилотларида ички назоратни ташикл этиши шартлари, фирибгарлик, талон-тарожлик, порахўрлик ва бошқа қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиши ва аниқлаш бўйича тегишли тадбирларни белгилаш, чораларни кўриши ва тартиб-таомилларни жорий қилиши, ички назорат тизимининг самарадорлигини ва раҳбарият ҳамда маъмурий ва бошқарув ходимлари вазифаларини бажариши сифатини мустақил баҳолаш тизимлари асосланган ва кўриб чиқилган.

Шунингдек, бюджет ташилотларида ички аудит хизматининг вазифаларини, сифат кўрсаткичларини белгилаш ҳамда чораклик ва йиллик режаларни ишлаб чиқиши, вазифаларни бажариши билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқлаш ва уларни бошқариши, вазифалар бажарилишини режаслаштириши, мониторинг қилиши ва ҳисобот топшириши ҳамда ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишини назорат қилиши, самарали кадрлар бошқаруви ва ходимларга ўз мажбуриятларини бажаришида зарур бўладиган ваколатларни тақдим этиши, ташилот олдига қўйилган вазифаларни бажариши мақсадида шу ташилотнинг ташиклиий тузилмасини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш борасида муаллифлар томонидан тегишли тавсия ва маслаҳатлар берилган ва хулосалар чиқарилган.

Бюджет ташилотларининг ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини режаслаштириши, дастурини тузиши, натижаларни умумлаштириши ва уни самарали амалга ошириши ҳамда ички назорат тизимини тўғри ташикл қилиши юзасидан тегишли хулоса ва тавсиялар шакллантирилган.

**Abstract:** The article discusses ways to effectively organize internal control in the budget organization, specific aspects of the organization of internal audit, different views

on the concept of internal audit, the relationship between internal control and internal audit in the organization, elements of internal control system, the importance and risk assessment in internal audit, SOSO model and its elements The main tasks of the head of the organization, the scope of the internal audit service, the specific and general aspects of internal control and internal audit, the effective use of budget funds and approaches to the current state of the internal audit service in budget organizations.

In addition, the conditions of internal control in budget organizations, the definition of appropriate measures to prevent and detect fraud, robbery, bribery and other violations, the introduction of measures and procedures, the effectiveness of the internal control system and management and based on and reviewed independent assessment systems for the quality of administrative and managerial staff performance.

Also, the tasks of the internal audit service in budget organizations, setting quality indicators and developing quarterly and annual plans, identifying and managing risks associated with the implementation of tasks, planning, monitoring and reporting on the implementation of tasks and monitoring the rational and efficient use of resources, effective staff The authors made recommendations and conclusions on the development and approval of the organizational structure of the organization in order to provide management and staff with the necessary powers to perform their duties, to perform the tasks assigned to the organization.

Appropriate conclusions and recommendations have been formed on the planning, programming, summarizing and effective implementation of the results of the activities of the internal audit and financial control services of budget organizations, as well as the proper organization of the internal control system.

**Таянч сўз ва иборалар:** бюджет ташилоту, бухгалтерия ҳисоби, ички аудит, ҳисоб сиёсати, ички назорат, ички

аудитор, сифат, баҳолаш, харажат, даромад, натижавийлик.

**Keywords:** *budget organization, accounting, internal audit, accounting policy, internal control, internal auditor, quality, evaluation, cost, revenue, efficiency.*

**Қириш.** Иқтисодий ривожланишида иқтисодий ресурсларни тўғри режалаштириш орқали тақсимлаш, режа асосида самарали ишлатилишини назорат қилиш ҳамда рискларни мақбул даражада пасайтириш асосий рол ўйнайди. Тўғри режалаштириш ва режа асосида самарали ишлатилиши бир нечта омилларга боғлиқ бўлиб, уларни доимий мониторинг қилиш ички назорат тизимини тўғри ташкил қилиниши билан характерланади. Бу тизимнинг назорати эса, ички аудит хизматига юклатилади.

Бюджет ташкилотларида ички аудит ўтказишда нафақат олинган даромадларни харажатлар билан таққослаш, балки маблағлардан самарали фойдаланишни фаол усуллари излаш ва харажатлар устидан қатъий назоратни амалга оширишни талаб этади[1]. Бугунги кунга келиб, бюджет ички аудит хизмати учта асосий элементдан иборат бўлиши кераклиги исботланди: ички назорат, ички аудит ва уларни уйғунлаштириш. Бу ҳолда асосий вазифа раҳбарнинг раҳбарлик қилаётган ташкилот фаолиятининг барча жабҳалари учун жавобгарлигини таъминлаш, иқтисодий масалаларида аниқ натижаларга эришиш ва бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, вазифаларни бажариш ва шу қабилар ҳисобланади.[5]

**Материал ва метод.** Ички аудитни такомиллаштириш учун унинг мазмун моҳиятини чуқур англаб етиш лозим. Айнан бюджет ташкилотларининг ички аудит ва ички назорат соҳасида кўпгина олимлар изланиш олиб боришган. Мамлакатимиз олимларидан С.У.Мехмонов, Б.Ж.Жумамуратов, Б.Б.Сугирбаев, А.К.Ибрагимовлар ҳамда хорижлик олимлардан Н.И.Даниленко, С.Л.Оптнер, Ян Ван Тайнен, П.П.Андреев, А.Л.Колесникларнинг илмий-тадқиқот ишлари, мақола ва ўқув-

услубий ишланмаларида бюджет ташкилотларининг ички аудит ва ички назорати тушунчасига ўз таърифларини беришган ва ўз қарашларини баён этишган.

Бугунги кунда ташкилотнинг юзага келиши мумкин бўлган хавфларини камайтириш учун ҳар қандай ташкилотда ички назорат тизимини ташкил қилиниши йўлга қўйилган.

Лекин, ташкилотда самарали ички назорат тизимини яратиш ташкилотни турли хатарлардан тўлиқ ҳимоя қилади деб ҳисоблаш нотўғри. Ички назорат етарлича ишончли таъминлай олади, аммо ҳеч қандай натижага эриша олмайди. Шунинг учун ички назорат ички аудитга ёрдам берувчи сифатида қаралади[4]. Чунки ташкилотнинг ҳар қандай ходими ички назорат тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ва унинг самарадорлиги нафақат ички тартиб-қоидалар, усуллар, балки ташкилотнинг барча лавозимларидаги ходимларига боғлиқ. Аммо, афсуски бюджет ташкилотларида бугунги кунда ички назорат тизимини самарали ташкил этилган, деб айта олмаймиз. Бунинг учун ташкилотнинг барча ходимлари ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари ва ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари лозим.

**Натижалар.** Бюджет ташкилотларида ички назоратни самарали ташкил қилиш учун унга таъсир қиладиган бир нечта омилларни ҳисобга олиш керак. Ички назорат тизимига таъсир этувчи омиллар нафақат ички, балки ташқи ҳам бўлади[3].

Шунингдек, ташкилотда ички назоратни ташкил қилишда ташқи муҳитнинг ички назорат тизимига таъсири омилини ҳисобга олиш лозим. Мамлакат миқёсида коррупцияга қарши курашни оммалаштириш, бюджет ташкилотлари томонидан ушбу соҳада самарали чора-тадбирлар ва процедураларни амалга ошириш, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилган маълумотларни тарқатиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан чоралар қўллашни тарғиб қилади[2]. Ўз навбатида,

бюджет ташкилотлари ходимлари ҳам юқоридаги вазиятларга дуч келиши, унинг жазоланишига олиб келади. Шундай қилиб, ташқи муҳит, шунингдек ташкилотни бошқариш муҳитига таъсир қилади.

Ички назорат тизимининг элементи сифатида бошқариш муҳити ташкилот ходимларига кўпроқ боғлиқ, чунки назорат амалларини максимал даражада тартибга солиш, қоидаларни яратиш хато ёки ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олишга қодир бўлмайди. Шу сабабли, ташкилотнинг раҳбарияти барча асосий кучларни назорат муҳитини яхшилаш учун ходимлар билан ишлашга йўналтириши керак. [6]. Ички назорат тизимининг навбатдаги таркибий қисми рискларни баҳолашдир. Риск – бу кутилаётган фойда, даромад ёки мол-мулк, пул маблағлари, бошқа ресурсларнинг иқтисодий фаолият шароитида, ноқулай вазиятларда тасодифан ўзгариши билан кутилмаган йўқотиш хавфи. Бу йўқотишларнинг бир ёки бошқа даражасини пайдо бўлиш эҳтимоллиги, эҳтимолий даражаси билан ўлчанади. Энг хавфли рисклар йўқотишлар даражаси кутилаётган фойда

қийматидан ошиб кетиши билан боғлиқдир [7]. Рискларни баҳолаш ташкилотнинг барча бўлимлари таркибини чуқур ўрганишни тақозо қилади. Ташкилотнинг рискларини баҳолаш, кўп вақт ва кўп меҳнатни талаб қилади. Чунки бу жараён мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун бу жараёнга алоҳида тайёргарлик талаб этилиб, бу вазифа ички назорат хизматига эмас, ички аудит хизматига юклатилади. Ички назорат хизмати эса рискларни пасайтиришга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширишга ёрдам беради. Шу ўринда ички назорат ва ички аудитни ўзаро алоқаси ҳамда уларни уйғунлашуви алоҳида аҳамият касб этади.

**Мунозара.** Ички аудит хизматига энг асосий ҳужжат бўлиб, ички назорат тизимини тақдим этган маълумотлари ҳисобланади. Бюджет ташкилотининг ички назорат тизимини тўғри ташкил этилганлиги самарадорлик кўрсаткичларини юқори бўлишини таъминлайди. Шу билан бир қаторда, бюджет ташкилотида ички назоратни ташкил этиш қуйидаги шартларга асосланади, деб ҳисоблаймиз.

- 1 • молиявий бошқарув жараёни ва операцияларини амалга ошириш учун тасдиқланган ички тартиб қоидаларнинг мавжудлиги;
- 2 • молиявий бошқарув, шу жумладан ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш доирасида тузилмавий бўлинмалар низомлари, лавозим йўриқномаларига ходимлар ҳуқуқ ва мажбуриятларини киритилиши;
- 3 • молиявий бошқарув, шу жумладан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган ташкилотнинг барча даражасидаги раҳбарияти ва ходимларининг профессионал билим ва кўникмаларига малакавий талабларни белгиланиши;
- 4 • ташкилот ходимлари учун одоб-ахлоқ ва хизмат ҳуқуқ – ативор умумий тамойилларини шакллантириши ва уларга етказилиши;
- 5 • ички назоратни амалга ошириш фаолияти бўйича тасдиқланган ҳужжатларнинг мавжудлиги. Мазкур ҳужжатлар ички назоратни режалаштириш ва амалга ошириш тартибини (қоидалар, тартиботлар), бажарилиш натижалари бўйича ҳисоботларни тузилишини белгилайди;
- 6 • молиявий бошқарувни амалга ошириш доирасида бажариладиган операцияларни амалга оширувчи бюджет ташкилоти таркибидаги бошқарувнинг турли поғоналари, тузилмавий бўлинмалар, ходимлар ўртасида маълумотлар алмашинувининг мавжудлиги.

1-расм. Бюджет ташкилотларида ички назоратни ташкил этиш шартлари<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган



Шу ўринда таъкидлаш лозимки, замонавий ички аудит ва ички назорат ўртасида фарқлар мавжуд. Ички аудит мақсадга эришиш учун ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимларининг самарадорлигини баҳолашда изчил ва тизимли ёндошувни қўллаш орқали ёрдам беради. [8]

Ички назоратни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва амалга ошириш, шунингдек унинг самарадорлигини баҳолаш учун энг яхши асос деб ҳисобланган, тан олинган самарали ички бошқарув модели, ҳомий ташкилотлар кўмитаси – COSO томонидан ишлаб чиқилган моделдир. Ички аудит ва ички назоратни самарали ташкил этишнинг бутун дунё тан олган ва энг мукамал ишлаб чиқилган COSO моделини имкониятларини кўриб чиқамиз.

COSO модели кўплаб ривожланган мамлакатлар томонидан тан олинган ва бугунги кунгача амалиётда қўллаб келинмоқда. COSO модели 1992 йилда Треадвей комиссиясининг ҳомий ташкилотлари томонидан тузилган бўлиб, бу ташкилотлар кўйидаги 5 та иштирокчидан иборат: Халқаро молиявий ижрочилар уюшмаси (FEI), Ички аудиторлар институти (IIA), Бошқарув ҳисобчилари институти (IMA), Америка сертификатланган давлат бухгалтерлари институти (AICPA) ва Америка бухгалтерлар уюшмаси (AAA). Дастлабки тузилган концепциянинг асосий қоидалари беш компонент билан боғлиқ принциплар сифатида тақдим этилган. Бу беш компонент бошқарув муҳити, рискларни баҳолаш, бошқариш назорат амаллари, ахборот ва алоқа ҳамда мониторингни ўз ичига олган эди [12].

Ушбу концепциянинг халқаро миқёсда тан олинишига қарамай, вақт ўтиши билан унинг айрим камчиликлари сезилиб қолди ва ички назоратни такомиллаштириш зарурати туғилди. Орадан 20 йил ўтиб, COSO модели такомиллаштирилди ва янги концепцияда компонентларнинг сони 5 тадан 8 тага оширилди ҳамда қўйидагиларни ўз ичига олди: ички муҳит, мақсадларни белгилаш,

воқеаларни аниқлаш, хавфларни баҳолаш, хавфларни бошқариш, бошқариш процедуралари, ахборот ва алоқа, мониторинг. Янги ишлаб чиқилган модел COSO ERM деб номланади ва давлат секторида коррупция, раҳбариятнинг фирибгарлиги, мансабдор шахслар томонидан фитна ҳамда назорат қилиш воситаларини атайлаб четлаб ўтиш йўли билан амалга ошириладиган рисклар сабабли қайтадан ишлаб чиқилишига эҳтиёж юзага келди. COSO ERM модели мақсадлар(кубнинг юқори юзи), таркибий қисмлар(горизонтал қаторлар) ва ташкилий бирликлар(вертикал қаторлар) ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кўрсатадиган куб шаклида тақдим этилади. [11]

Ички аудит тизимига эҳтиёж ушбу фаолият рискларини аниқлаш ва ташкилот ичидаги фаолиятнинг самарали олиб борилишига йўналтирилган турли хил ўзгаришларни бошлаш учун имконият яратади. Бундай ўзгаришлар зарурати ички аудит натижалари ёки ички назорат тизимини баҳолаш билан узвий боғлиқ.

COSO концепциясига мувофиқ ички аудит функцияси мониторинг таркибига киради. Ички аудит менежмент тизими, ички назорат тизимининг самарадорлигини баҳолайди ва жорий фаолият самарадорлигини оширишга ёрдам берадиган тавсиялар беради. Бундан ташқари, ички аудит тизими ахборот ва маслаҳат хизматларини ҳам амалга оширади. Бундай ҳолда, барча таркибий бўлимлар ходимларига ва ташкилот раҳбарига тегишли масалалар бўйича маслаҳат бериш ички аудиторнинг ваколатидир.

COSO моделида ички аудит ва ички назорат ажралиб туради. Унда таъкидланган асосий жиҳат шундаки, ички назоратнинг ҳолати ташкилотни бошқариш учун жавоб беради. COSO модели ички назорат тизими ўз-ўзидан эмас, балки ташкилот учун қўйилган мақсадларга эришишга ёрдам берадиган механизм бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Шунингдек, бюджет ташкилотлари фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштириш мақсадида уни доимий назорат қилиб бориш ва мунтазам камчиликларини бартараф қилиш муҳимдир. Буни амалга ошириш ташкилотнинг молиявий ва молиявий бўлмаган фаолиятини тегишли қонуниятларини ишлаб чиқиш ва маълум бир тизимга солиш орқали эришилади. Яъни ташкилотда ички назорат ва ички аудитни самарали ташкил қилиш орқали доимий назорат, самарали фаолият, ишончли тавсиялар ва қатъий қоидалар яратилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бюджет ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришни фақат ички назоратни самарали ташкил этиб ёки фақат ички аудитни ташкил этиб амалга ошириб бўлмайди. Балки ҳам ички аудитни ҳам ички назоратни самарали ташкил қилиш орқали эришилади. Чунки бу икки фаолият бир-бирини ўрнини тўлдирувчи, бир-бирига ёрдам берувчи ва ўзаро ҳамкорликда ишлаганда янги имкониятларини очадиган фаолият ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари таркибидаги ички аудит ва ички назоратни ўзаро ҳамкорлиги ҳамда ташкилот фаолиятини доимий назорати учун зарур бўлган мақсад ва таркибий қисмлар ташкилот фаолиятига мослаштирилди. Бундан қуриб турибдики, бюджет ташкилотларида ички аудит ҳам ички назоратни бир қисмини ташкил қилган. Демак, ички аудитор бир вақтнинг ўзида ички назоратни таркибида ҳам уни ташкил қилади, ҳам назорат қилади.

Ташкилотнинг ички назорат тизимини самарали ташкил этиш ташкилот раҳбарининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу ўринда ташкилот раҳбари томонидан ички назоратни ташкил этишда бажарадиган вазифаларини айтиб ўтиш лозим:

1. вазифаларни, сифат кўрсаткичларини белгилаш ҳамда

чораклик ва йиллик режаларни ишлаб чиқиш;

2. вазифаларни бажариш билан боғлиқ таваккалчиликларни аниқлаш ва уларни бошқариш;

3. вазифалар бажарилишини режалаштириш, мониторинг қилиш ва ҳисобот топшириш ҳамда ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланишни назорат қилиш;

4. самарали кадрлар бошқаруви ва ходимларга ўз мажбуриятларини бажаришда зарур бўладиган ваколатларни тақдим этиш;

5. ташкилот олдида қўйилган вазифаларни бажариш мақсадида шу ташкилотнинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

6. ўзига юклатилган ваколат ва мажбуриятлар ижроси учун жавобгарликдан озод этмаган ҳолда ваколат ва мажбуриятларни бошқа шахсларга юклатиш;

7. асосий жараёнларни хужжатлаштириш ва ишчи тартиб-таомилларни ишлаб чиқиш;

8. ташкилотда одоб-ахлоқ, ҳисобдорлик, шаффофлик ва очиқлиликни таъминлаш;


9. ташкилот ходимлари ўртасида жавобгарлик ва мажбуриятларни тақсимлаш;

10. фирибгарлик, талон-тароғлик, порахўрлик ва бошқа қонун бузилиш ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш бўйича тегишли тадбирларни белгилаш, чораларни кўриш ва тартиб-таомилларни жорий қилиш.

Шунингдек, ички назорат сифатини яхшироқ ўлчаш учун янги усулдан фойдаланамиз. Яъни ички назорат индексини яратамиз, чунки ҳозирги кунда ички назорат қоидаларининг йўқлиги қизиқарли назоратни тақдим этади, унда ички назорат сифатининг хилма-хиллиги сақланиб қолади. Икки ўзига хос хусусият бу индексни АҚШда мавжуд бўлган маълумотлардан ажратиб туради. Биринчиси, COSO тизимига асосланган ташкилотни ички назоратини ҳар томонлама баҳолайди. Иккинчиси,

мураккаб қарорларни қабул қилиш учун ишлаб чиқилган аналитик иерархия жараёндан фойдаланиб, ташкилотнинг ички назоратини миқдорий равишда ўлчайди. Ички назорат индекси ташкилотнинг даромадлар ва харажатлар

сметаси назоратига ижобий таъсир кўрсатади ва ички назоратнинг яхшиланиши молиявий ҳисоботларни сармоядорлар учун янада ишончли бўлишини амалга оширади. [9]



**2-расм. Ички аудит хизмати фаолиятининг қамраб оладиган жиҳатлари<sup>2</sup>**

Шу ўринда бюджет ташкилотларида ички назорат билан бир қаторда ички аудитнинг ҳам ўзига хос жиҳатларини санаб ўтиш лозим. Ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси тасарруфидаги муассасаларда молиявий фаолият билан боғлиқ ўрганишлар ва профилактик тадбирлар белгиланган вазирликларда ташкил этилган “Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари”нинг уч нафар ходимлари томонидан ўтказиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати фаолияти бир нечта жиҳатларни қамраб олиши керак. (2-расм)

Аудиторлик текшируви учун маълумотлар базаси бюджет муассасасининг даромадлари ва харажатлар сметаларини бажаришнинг якуний молиявий ва бизнес

операцияларини акс эттирувчи, аналитик ва ҳисоботнинг миқдорий кўрсаткичлари ва маълумотлар ҳамда молиявий ҳисоботларнинг бирлашувидир. Бизнинг фикримизча, олий таълим муассасаларида ички назоратни жорий қилишнинг ҳозирги ҳолатига мос бўлмаган ҳолатда бюджет ташкилотларида ички назоратнинг асосий пойдеворларини, шунингдек, ушбу муассасаларда ички назоратни ташкилий ва услубий усулларини жорий этиш лозим [10].

Ички аудит биринчи навбатда ички назорат тизимининг самарадорлигини ва раҳбарият ҳамда маъмурий ва бошқарув ходимлари вазифаларини бажариш сифатини мустақил баҳолашдир. Шу боис, ички аудитнинг асосий тамойилларидан бири мустақилликдир. Ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва

<sup>2</sup> Тадқиқот натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилган.

жавобгарликларнинг аниқ рўйхати фақатгина ташкилотнинг умумий йигилишида ҳисобдорлик билан белгиланади. Ички аудит фаолияти ташкилотни бошқаруви, иш юритиши ва бухгалтерия ҳисоби билан бевосита алоқада бўлиши керак. Ушбу ходимлар ички аудит жараёнида иштирок этишлари, натижаларини ўз фаолиятларида қўллашлари, маслаҳатлардан фойдаланишлари лозим. Ходимларни фаол иштирокисиз ички аудит самарадорлиги минимал бўлади.

#### **Хулоса.**

1. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, бюджет ташкилотларида ички аудит ва ички назорат тизимини самарали ташкил этилиши ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида халқаро COSO модели компонентларидан фойдаланган ҳолда модел ишлаб чиқиш лозим. Бу модел бизнинг фикримизча бюджет ташкилотларида ички аудит ва ички назоратни ўзаро ҳамкорлиги доирасида ташкилотнинг фаолиятини самарали олиб борилишини таъминлаб бериши шарт.

2. Шунингдек, ички назорат тизимини янада самарали ташкил қилиш учун ходимларни фаол иштирокини

таъминлаш ҳамда уларни ўз вазифаларига виждонан ёндошишларига эришиш лозим. Ҳар бир ходим ўз вазифаларини аниқ билиб, уни тўлиқ бажаришга ҳаракат қилса, ўз-ўзидан ички назорат тизими мустақамланиб боради.

3. Ички назорат тизимига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, ички аудит ва ички назорат тизимларини ўзаро алоқаси шакллантирилиш, халқаро COSO модели асосида бюджет ташкилотларида ички назорат ва ички аудит хизматини ташкил этиш компонентлари ишлаб чиқиш, шунингдек, ташкилот раҳбари томонидан ички назоратни ташкил этишда бажарадиган вазифалар аниқ белгилаб берилиши лозим.

4. Халқаро COSO моделини бюджет ташкилотларининг ички назорати ва ташкилот таркибидаги ички аудит учун қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу модел вазирлик ва идораларда ташкил этилган марказлашган ички аудит ва молиявий назорат хизмати учун мос келмайди ва бу тизимда қўллаб бўлмайди, изланишларимиз натижасида марказлашган ички аудит хизмати учун COSO модели ўзини оқламайди деган хулосага келинган.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.08.2017 йилдаги ПҚ-3231 – сонли “Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори;
2. O‘zbekiston Respublikasining 2016 yil 13 apreldagi O‘RQ-404-son “Buxgalteriya hisobi to‘g‘risida”gi qonuni, <https://www.lex.uz>.
3. Mehmonov S. Byudjet hisobi. O‘quv qo‘llanma. – T.: “Fan va texnologiya”. 2012. 352 b.
4. Namdamov B.R., Ostonokulov A.A. Byudjet nazorati. O‘quv qo‘llanma. “IQTISOD MOLIYA” - Toshkent.: 2018,318b.
5. Анфёрова В.Е., Грекова В.А., “Внедрение внутреннего аудита в бюджетных учреждениях”//Nauka-rastudent.ru, 2017, №5(041);
6. В.С.Сухих, “Формирование системы внутреннего аудита в федеральных университетах в Российской Федерации”, Диссертация: на соискание учёной степени кандидата экономических наук, Екатеринбург – 2016;
7. Ричард М. Стейнберг, Фрэнк Джей. Мартене, Майлс И.Эй. Эверсон, Люси И. Ноттингэм. Комитет спонсорских организаций Комиссии Тредвея (COSO).



- Управление рисками организаций. Интегрированная модель. Краткое изложение. Концептуальные основы. Сентябрь 2004. [Электронный ресурс] URL:[http://www.coso.org/documents/COSO\\_ERM\\_ExecutiveSummary\\_Russian.pdf](http://www.coso.org/documents/COSO_ERM_ExecutiveSummary_Russian.pdf) (дата обращения: 20.11.2015);
8. А.Л.Колесник “Организация и методика проведения внутреннего аудита распорядителями средств федерального бюджета”, Диссертация: на соискание учёной степени кандидата экономических наук, Москва – 2017;
  9. Внутренний контроль. Интегрированная модель COSO: Концепция и приложения / Комитет спонсорских организаций комиссии Тридуэя. / Некоммерческое партнёрство "Институт внутренних аудиторов", май 2013. -186 с;
  10. Jun Guo, Pingsun Huang & Yan Zhang, “Do debt covenant violations serve as a risk factor of ineffective internal control?”, *Review of Quantitative Finance and Accounting* volume 52, pages231–251(2019). [link.springer.com](http://link.springer.com);
  11. З.У.Хамидова “Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш”, Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси, Тошкент-2021 й.
  12. Xamidova Z.U. Budget tashkilotlarida ichki audit va moliyaviy nazorat xizmatlari faoliyatini samarali tashkil qilish masalalari. Monografiya. – Т.:”VNESHINVESTPROM”, 2021. – 182b.